ISSN 2181-9556

Doi Journal 10.26739/2181-9556

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1 МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

SPECIAL ISSUE 1

ТОШКЕНТ-2022

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

№SI-1 (2022) DOI http://dx.doi.org/10.26739/2181-9556-2022-SI-1

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:
Сеитов Азамат Пулатович
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:
Сабирова Умида Фархадовна
доктор социологических наук
(Doctor of sociology, DSc)

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

22.00.01-Социология назарияси, методологияси ва тарихи. Социологик тадқиқотлар усуллари.
Теория, методология и история социологии. Методы социологических исследований.
Theory, methodology and history of sociology. Methods of sociological research.

Бекмурадов Мансур Бобомурадович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Каланов Комил Куллахматович
кандидат социологических наук, профессор (Узбекистан)
Убайдуллаева Раиса Турсуновна
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)
Негматова Шахзода Шухратовна
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Исмаилов Алишер Агзамович
доктор экономических наук, (Узбекистан)

Щепилова Галина Германовна
доктор философских наук, профессор (Россия)
Рожанский Михаил Яковлевич
кандидат философских наук (Россия)
Маматов Нормурат
доктор философских наук, профессор (Узбекистан)
Камалова Хатира Сабыровна
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.02-Ижтимоий тузилиш, ижтимоий институтлар ва турмуш тарзи
Социальные структуры, социальные институты и образ жизни
Social structures, social institutions and way of life

Умаров Абсалом Адилович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Холбеков Абдуғани Жуманазарович
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Шайхисламов Рафаэль Бадретдинович
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Акулич Мария Михайловна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Сабиров Алишер Сабирович
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)
Каримов Бобир Шаропович
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)

Антонио Алонсо Марсос
доктор политических наук, профессор (Испания)
Фадеева Любовь Александровна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Виктор Агаджаньян
доктор философии по социологическим наукам,
профессор (США)
Тагиева Гулсум Гафуровна
доктор философии по социологическим наукам (Узбекистан)
Абдулазизов Абдулвохид Хабибуллевич
кандидат социологических наук, доцент (Узбекистан)
Толипов Файзулла Саидович
кандидат исторических наук, доцент (Узбекистан)

22.00.03-Ижтимоий онг ва ижтимоий жараёнлар социологияси.
Социология социального сознания и социального процесса.
Sociology of social consciousness and social process

Норқулов Ҳусниддин Дўсбекович
педагогика фанлари номзоди, доцент (Узбекистан)
Аликариев Нуритдин Сапаркариевич
доктор экономических наук, профессор (Узбекистан)
Матибаев Тасполат Балтабаевич
доктор социологических наук, профессор (Узбекистан)
Николов Стефан
доктор философии по социологическим наукам, (Болгария)
Пармонов Фарход Ярашевич
доктор социологических наук, доцент (Узбекистан)

Ли Ци
доктор исторических наук, профессор (Китай)
Сухомлинова Марина Валерьяновна
доктор социологических наук, профессор (Россия)
Бурнашев Рустам Ренатович
кандидат философских наук, профессор (Казахстан)
Мирзахмедов Абдирашид Мамасидикович
доктор философских наук, и.о. профессор (Узбекистан)
Махкамов Қодиржон Одилжонович
доктор философии по социологическим наукам,
доцент (Узбекистан)

Page Maker | Верстка | Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. Холбеков Абдугани
ЛИТЕРАТУРНЫЙ МЕТОД В СОЦИОЛОГИИ ИЛИ ХУДОЖЕСТВЕННОЕ ПРОИЗВЕДЕНИЕ КАК ИСТОЧНИК СОЦИОЛОГИЧЕСКОГО АНАЛИЗА (на примере драмы А.С.Пушкина “Борис Годунов”).....5

2. Севиндиқ Тошев
РАҲБАР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ МУАММОЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ: ЎЗБЕКИСТОН МИСОЛИДА.....15

3. Хайдаров Аброр Хайдарович
ГЛОБАЛЛАШУВ ВА ЯНГИ МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАРНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ: НАЗАРИЙ СОЦИОЛОГИК ТАҲЛИЛ.....23

4. Nematova Dilfuza Tulanboevna
KAMBAGALLIKNI QISKARTIRISHDAGI IZHTIMOIY ISLOHOTLAR.....31

5. Парманов Фарход Ярашович
МИГРАНТ МОДУЛИНИНГ ЭТНОМАДАНИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯСИ.....40

6. Kalanova Sabohat Muradovna
O‘ZGARIB BORAYOTGAN DUNYO SHAROITIDA AVLODLARNING DIFFERENSIATSIYASI VA JIPSLASHUVI.....49

7. Мавлонов Журабек Ёркулович
СОЦИАЛЬНОЕ ПАРТНЕРСТВО И ЕГО ПОТЕНЦИАЛ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ.....58

8. Бурханов Хусниддин Миродилович
АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МИЛЛИЙ САЙТЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....68

9. Олимов Фурқат Ҳошимович
ИНСОН КАПИТАЛИНИ КИЧИК БИЗНЕСДА ҚЎЛЛАНИШИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.....78

10. Якубов Бахтиёр Султонназирович, Сеитов Азамат Пулатович
ПОЛИТИЧЕСКИЕ ПАРТИИ В ПРОЦЕССАХ ПОВЫШЕНИЯ ОБЩЕСТВЕННОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН УЗБЕКИСТАНА.....87

11. Xudoyberganova Dilnoza Komiljon qizi
AQSH VA XITOY TADQIQOT MARKAZLARINING QIYOSIY TAHLILI.....99

12. Raimjanova Ug‘ilxon Nomanovna
ОИЛАВИЙ ҚАДРИЯТЛАРНИНГ ЎЗГАРИШИ: АНЪАНАВИЙЛИК ВА ЗАМОНАВИЙЛИК.....106

13. Қутлимуратова Нигора Машариповна
ЎЗБЕКИСТОНДА ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....116

14. Тошпўлотов Шоҳижаҳон Эшпўлот ўғли
ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (СИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ).....124

15. Хушвакова Наргиза Абдуллаевна
ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ САМАРАДОРЛИГИ...134

16. Кадирова Халима Бувабаевна
МИЛЛИЙ ИДЕНТИКЛИК ВА МИЛЛИЙ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ МУАММОЛАРИНИ СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚ ЭТИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ……...141

ISSN: 2181-9556
www.tadqiqot.uz
ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ
ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

Тошпўлотов Шоҳижаҳон Эшпўлот ўғли
Тошкент Давлат Юридик университети ўқитувчиси
e-mail: sh.toshpulatov@tsul.uz

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ҒОЯСИНИНГ ТАРИХИЙ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ (СИЁСИЙ-ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ)

http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.6615915

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада “диний бағрикенглик” тушунчасининг хронологик ривожланиши, хусусан унинг энг қадимги даврлардан тортиб то ҳозирги кунимизгача бўлган тарихий, тадрижий ривожланиши тарихий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган. Шунингдек Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибасида диний бағрикенглик тушунчасининг тарихий илдизлари ва тараққиёти ҳақида таҳлиллар мавжуд бўлиб, асосан диний бағрикенглик ғоясига қиёсий нуқтаи назардан эътибор берилган. Бундан ташқари мақолада АҚШ ва Европада диний бағрикенглик ғоясининг интерпреатацияси ва унга турлича ёндашувлар, юртимизда диний бағрикенглик тушунчасининг эволуцияси ва замонавий диний бағрикенглик консепциялари ҳақида ҳам маълумотлар санаб ўтилган ва тарихий-сиёсий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: “диний бағрикенглик” ғояси, конфессиялар, ҳалқаро ташкилотлар, давлатлараро ва динлараро муносабатлар, сиёсат ва дин, замонавий диний бағрикенглик консепциялари.

Тошпулотов Шохиджахон Эшпулот оглу
Преподаватель Ташкентского
государственного юридического университета.
e-mail: sh.toshpulatov@tsul.uz

ЭТАПЫ ИСТОРИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ ИДЕИ РЕЛИГИОЗНОЙ ТОЛЕРАНТНОСТИ (ИСТОРИКО-ПОЛИТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ)

АННОТАЦИЯ

В данной статье анализируется хронологическое развитие понятия "религиозная толерантность", в частности, его постепенное развитие с древнейших времен до наших дней. Также проводится анализ исторических корней и развития концепции религиозной толерантности в опыте Узбекистана и зарубежных стран, уделяется внимание идее религиозной толерантности в сравнительной перспективе. В статье также рассматривается интерпретация идеи религиозной толерантности в США и Европе и различные подходы к ней, теории мировых ученых, живших в разные эпохи. Также представлена информация об эволюции концепции религиозной толерантности в нашей стране и современных концепциях религиозной толерантности.

Ключевые слова: Идея "религиозной толерантности", конфессии, международные организации, межгосударственные и межрелигиозные отношения, политика и религия, современные концепции религиозной толерантности.

Toshpulotov Shohijahon Eshpulot ovich
Teacher of Tashkent State University of Law
e-mail: sh.toshpulatov@tsul.uz

STAGES OF HISTORICAL DEVELOPMENT OF THE IDEA OF RELIGIOUS TOLERANCE (HISTORICAL-POLITICAL-ANALYSIS)

ANNOTATION

This article analyzes the chronological development of the concept of "religious tolerance", in particular, its gradual development from ancient times to the present day. There is also an analysis of the historical roots and development of the concept of religious tolerance in the experience of Uzbekistan and foreign countries, focusing on the idea of religious tolerance from a comparative perspective. The article also examines the interpretation of the idea of religious tolerance in the United States and Europe and the different approaches to it, the theories of world scholars who have lived in different eras. There is also information about the evolution of the concept of religious tolerance in our country and modern concepts of religious tolerance**.**

Keywords: The idea of "religious tolerance", denominations, international organizations, interstate and interreligious relations, politics and religion, modern concepts of religious tolerance.

Ҳар қандай тушунча, ғоя ва инсоният ҳаёти учун у ёки бу даражада рол ўйнаган термин ўзининг келиб чиқиш тарихига эга. Шу жумладан бизнинг тадқиқот марказимизда турган “диний бағрикенглик” тушунчаси ҳам узоқ давлатчилик тарихига бориб тақалади. Умуман дин инсоният пайдо бўлганидан бошлаб унга ҳамроҳлик қилиб келаётган бўлсада, манбаларда биринчи бўлиб “бағрикенглик” терминини қўллаш урф бўлганлиги ҳақида фактлар мавжуд. Мазкур тушунча ижтимоий тарих маконида ибтидоий даврлардан бошлаб инсониятга ҳамроҳлик қилиб келмоқда. Чунки, нотенглик бор экан албатта тенгликни таъминлаш кун тартибида туради. Инсон ташқи қиёфасига кўра, динига кўра, миллати ва бошқа ижтимоий хусусиятларига кўра ажратилар экан, ушбу вазиятда “бағрикенглик” ғояси катта саҳнага чиқиши табиий.

Инсоният ўз эътиқодини энг тўғриси деб ҳисоблаши, бошқалар эътиқоди, қараши, нуқтаи-назарини тан олмаслик, унга нисбатан тазйиқ ўтказишга бўлган уриниш ва уни олдини олишга бўлган ҳаракатлар бағрикенглик ғоясини кун тартибига чиқарди. Чунки, ўз эътиқодини тўғри деб билиш ўз йўлига, бошқалар ишончи ва эътиқодини тан олмаслик, поймол қилиш каби ҳолатлар охир-оқибат ихтилофли салбий оқибатларни келтириб чиқариши маълум эди. Шу сабаб, яратилган диний эътиқод шакллари диний аҳкомларга риоя қилишда камтарлик, сабр-тоқат каби тушунчаларни юзага чиқарди. Бугун дунёвий динларнинг барчасида юқоридаги тушунчаларни учратиш мумкин. Кейинчалик шаклланган диний тажриба динлараро бағрикенгликни таъминлашга асос бўлиб хизмат қилди. Бугун биз бағрикенглик тушунчасига энг қадимги ибтидоий динлардан тортиб дунёвий динларда у ёки бу кўринишда дуч келамиз.

“Насронийликнинг илк даврларида "tolerantiya" атамаси кенг оммага маълум бўлиб улгурган эди. Мазкур дин толерантликни ёвузлик, азобланиш, бахтсизлик, қийинчиликни енгиш каби тушунчалар билан изоҳлайди ва якунида ижобий истиқболга умид қилади. Бундан ташқари, ҳар бир инсоннинг гуноҳ ва хатолардан холи бўлиш, бошқаларнинг фикрлари ва ҳатти-ҳаракатларига нисбатан тоқатли бўлиш мажбуриятини юклайди. Ривожланган ўрта асрларда эса тенденция бошқа томонга ўзгарган. Яъни бағрикенглик динсизлар ва бидъатчиларга нисбатан толерант муносабат сифатида тарғиб қилинади” [1].

“Ушбу қоидаларнинг назарий жиҳатдан мустаҳкамланиши Фома Аквинский (1225–1274) номи билан боғланган. Унинг таъкидлашича, ўрта асрда насронийлик дини ўз мухолифлари билан келишувга эриша олмай зарурий чора сифатида бағрикенгликни кун тартибига чиқарган. Шундай қилиб бағрикенгликнинг аниқ табиати пайдо бўлади. Унга кўра “агар сиз бидъатчилар ва динсизларни мағлуб эта олмасангиз, улар билан бўладиган низоли вазиятлардан қочинг”. [2] Кўриниб турибдики, ўрта асрлардаги диний ихтилофларнинг сиёсийлашувини олдини олиш, мавжуд дин ва давлат ўртасидаги “олтин ўрталик”ни сақлаб қолиш мақсадида диний бағрикенглик ечим сифатида хизмат қилган.

Биз дунё динларида бағрикенглик ғоясининг шаклланиш даврлари ва унга ҳисса қўшган мутафаккирлар ҳақида изланишни давом эттириш жоиз деб ҳисоблаймиз. Чунки, диний бағрикенглик аввало дин асосида пайдо бўлиб кейин ижтимоий-сиёсий жараёнларга таъсир кўрсатган. Европада бағрикенглик фуқаролик эркинликларининг бир қисми сифатида қаралган. Насронийлик динида “душманингизни севинг” ақидаси эълон қилиниб, инсонларни ҳидоятга бошлаш мазкур ақидадан бошланиши ҳақидаги ваъзлар, маърузалар мунтазам халқ ҳукмига ҳавола қилинди. Шунга қарамасдан насроний черкови бағрикенгликнинг чинакам тарғиботчиси сифатида ўзини намоён қила олгани йўқ.

Россиялик олима Л.В.Баеванинг фикрича, “черковнинг бағрикенглик ғояларига таъсири пасайишига аввало, руҳонийларнинг ўзи даҳрийларга, гностикларга, манихейларга қарши кескин кураш олиб борганлигидадир. 1453 йилда файласуф ва илоҳиётчи Николай Кузанский “Эътиқодлар уйғунлиги тўғрисида”ги рисоласини ёзди. Файласуф ўз рисоласида дунёдаги барча динларнинг асосий қоидалари битта эканлигини ишончли тарзда кўрсатиб берган. Реформация даврида эса мухолифат кучайиб, католиклар ва протестантларнинг диний ақидапарастлиги минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлди”.[3]

Л.В.Баева қуйидаги жадвалда бағрикенгликнинг дунё тилларида ифодаланиши ва мазмунига тўхталиб ўтган.

Жадвалдан кўриниб турибдики, бағрикенглик тушунчасининг умумий мазмуни дунё тилларида акс этиши ва моҳияти бир-биридан катта фарқ қилмайди.

Олима “бағрикенглик” тушунчасини Францияда пайдо бўлиши анча кеч амалга ошганлигини тушунтиради. Унинг фикрича, “мазкур тушунча XVI аср Францияда 1598

Ёзилиши	Тили	**Мазмуни**
tolerancia	испан	Ўзининг шахсий фикр ва ғояларидан бошқа фикрлар ва ғояларни эътироф этиш лаёқати
tolerance	француз	ўз фикрингдан бошқача фикрлайдиганларга нисбатан самимий муносабат
tolerance	инглиз	бардошли бўлиш, хушмуомалалик, шахс ёки нарсаларга эътироз билдирмаслик лаёқати
kuan rong	хитой	бошқаларга имкон бериш, уларни борича қабул қилиш, сахийлик
tasamul’	Араб	кечиримлилик, юмшоқлик, мулойимлик, раҳм-шафқат, хайрихоҳлик, сабр-тоқатлилик, бошқаларга нисбатан мойиллик
Терпимость	рус	бирор нарсага ёки кимгадир тоқат қилиш, чидамлилик, бошқаларнинг фикрига эътиборлилик, камситмаслик

йилдаги Нант Эдикт томонидан қабул қилинган кўплаб фармонлардан кейин француз протестантлари ва гугенотлари бирмунча эркин фикрлаш ва яшаш имконини қўлга киритишган. Бағрикенглик ғоясининг пайдо бўлиши диний урушлар даври билан боғлиқ бўлиб, ҳукумат томонидан олиб борилган ижобий ҳатти-ҳаракатлар натижасида ўттиз йиллик қонли урушларга барҳам берилди. Қаттиқ қарама-қаршиликлар ва ўз айбини “бошқа”га юклаш истаги ҳар томонлама йўқотиш ва талофотларга сабаб бўлди. Натижада европаликлар ўз мамлакатида қолаверса, давлатлараро конфессиявий мулоқотнинг нақадар муҳимлигини англаб етишди”.[4]

Албатта, Европа ижтимоий-сиёсий, фалсафий тафаккурининг ривожланиши, ўша давр маърифатпарварларининг бағрикенглик ғояларини тарғиб қилишдаги ролини эътироф этмасдан бўлмайди. Айниқса, XVII - XVIII асрлар Европада либерал ғояларнинг шаклланиш даври сифатида эсланади. Ўша давр маърифатпарварлари диний муросасизликни қоралаб, бағрикенглик ғоясини умуминсоний қадрият сифатида динлар ўртасида тинчлик ва тотувликни таъминловчи восита сифатида тарғиб қилишган.

“Бағрикенглик ғояларининг ривож топиши учун ҳал қилувчи давр XVII Англия тарихининг Кромвел даври бўлди. Ўша даврда Оливер Кромвел армияси таркибига кирган турли пуритан секталари орасида фақат “индепендент”лар ва “левеллер”лар эркинлик ва бағрикенгликдан манфаатдор эди. Уларнинг қарашларига кўра, ҳеч бир эътиқод хатосиз бўлиши мумкин эмас ва жамиятда мавжуд бўлган бошқа эътиқодлар аввалгиларига қурбон бўлмайди. Кромвел даврида бағрикенглик ғоялари тарафдорларидан бири бўлган Жон Солтмарш шундай деган эди: “Раббимиз кўзимизни очмагунча, сизнинг далилларингиз мен учун тушунарсиз бўлиб қолади””. [5]

Шу ўринда XVII асрда Англияда диний бағрикенгликни таъминлашга қаратилган қонуннинг баъзи жиҳатларига эътибор қаратсак: “Англия черковидан алоҳида бўлган протестант субъектларини маълум қонунлар бўйича жазолардан озод қилиш тўғрисидаги қонун” қирол Вилгельм III томонидан 1689-йил 24-майда қабул қилинган бўлиб, Стюартларнинг диний сиёсатини юмшатган акт сифатида тарихда қолган.

Қонун 1688 йилги мамлакатда содир бўлган инқилоб натижасида ҳокимият тепасига келган, Англия давлат черковини тан олмаган ноконформистлар - протестант дисцентсларига нисбатан турли сабабларга кўра қўлланилиши кўзда тутилади. Қонунга кўра “...ўзгача фикрда бўлганлар қиролни черков бошлиғи сифатида тан олиш, трансубстанция таълимотини рад этиш ва Муқаддас Уч Бирликка ишониш тўғрисида қасамёд остида эълон қилишлари керак эди, диссидент руҳонийлар ҳам Ўттиз тўққизта мақолани имзолашлари керак эди. Ушбу жараёндан ўтгандан сўнг, собиқ мухолифларга бунинг учун рухсат этилган жойларда ўз ибодатларини ўтказишга рухсат берилди (хукуматни хабардор қилмасдан шахсий ибодат йиғилишлари ҳали ҳам тақиқланган) ва пасторларга (тегишли лицензияни олгандан кейин) очиқ ваъз қилишга рухсат берилди”.[6]

Шу билан бирга, “Стюартлар даврида бўлгани каби, мухолифларга давлат ёки черков лавозимларини эгаллаш, шунингдек, ҳакамлар ҳайъати аъзоси бўлиш тақиқланган. Англия черкови билан келишмовчилик диссидентларни унинг фойдасига ушр тўлашдан озод қилмади. Шундай қилиб, собиқ нонконформистларнинг позицияси фақат енгиллаштирилди, улар ҳали ҳам бир қатор сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларидан маҳрум эдилар ва 1828-1829 йилларда камситувчи диний қонунларнинг якуний бекор қилиниши содир бўлди”.[7]

Юқоридаги маълумот ва фактлардан кўриниб турибдики, бағрикенглик ғоялари Европанинг барча минтақаларида аниқ тамойил сифатида эмас балки, ҳаётий зарурат туфайли вужудга келган. Диний бирдамликни таъминлаш учун кимнидир мажбурлаш, куч ишлатиш ва кимгадир таъсир ўтказиш шарт эмас. Яна бир хулоса шуки, ғарбда шаклланган бағрикенглик ғоялари кейинчалик инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг бошқа йўналишлари ривожини ҳам таъминлаганлигини кузатиш мумкин.

Кузатишларимиз шуни кўрсатмоқдаки, барча давр мутафаккирлари ўз эътиборларини сиёсий ҳокимиятнинг шахс эркинликларини чеклайдиган механизмларини бартараф этишга қаратишган. Уларнинг наздида айнан диний эркинликни чегаралаш ёки бўлмаса қайсидир диннинг догматик қарашларига устуворлик бериш инсоний қарашларга зиддир. Жумладан, немис файласуфи И. Кантнинг “кимнингдир эркинлиги бошқа бировнинг эркинлигига соя сомаслиги лозим” деган фикри тадқиқот мавзуимизга ҳам тўла мос келади. Аслида бундай ёндашув жамиятда яратилган қонунларда ўз аксини топиши муҳимдир. Чунки, ҳар қандай жамиятнинг барқарорлиги унинг ўша жамият манфаатларига мос келувчи муайян қонунлар асосланишига боғлиқдир.

Кантнинг фикрича, инсон эркинлиги ва тенглигини тўлақонли таъминлаш борасида мушоҳада қилиш имконияти барчада мавжуд. Бунинг учун аввало жамиятда яратилган

қонунлар бунга йўл бериши керак. Инсонларнинг фуқаролик жамияти тўлиқ устувор жамиятни ҳис қилишлари учун нафақат уларни дунёқарашини ўзгартириш балки, қонунларнинг оммавийлигини (фуқароларнинг дини, ирқи, миллати ва бошқа ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар барчага бир хил этиб белгиланганлиги) таъминлашга бевосита боғлиқ.

Давлат Кантнинг фикрига кўра, "...ҳуқуқий меъёрларга бўйсунадиган инсонларнинг бирлашмасидан бошқа нарса эмас. Давлатни эса кимнидир шахсий қарашларидан холи қонун тартибга солади. Ҳуқуқий давлат тузилишининг яхлит ғояси шу ерда тугаши керак". [8]

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир киши оммавий қонун сифатида тасдиқланган ва аниқ бошқарув қоидаларига асосланган қатъий меъёрларга мувофиқ ҳаракат қилса, бир кишининг эркинлиги барчанинг эркинлиги ўзида акс эттириши мумкин. Бу давлатнинг онгни мустаҳкамлаганини, шахслар ўртасидаги муносабатларнинг оқилона бўлишидан бошқа нарсани талаб қилмаганини, онг эса ўз зарурлигини англаш орқали эркинлик ва тенгликни таъминлаганини кўрсатади. Дарҳақиқат, агар биз инсоннинг онгли равишда ижтимоий қонуниятларнинг барча шаклларини билишига ишона олмасак, унда биз онгли мавжудот сифатида инсоннинг онг ва тафаккур имкониятларини шубҳа остида қолдирган бўламиз.

Бу борада немис замонавий фалсафаси ва сиёсий фанининг етук мутафаккири Юрген Хабермаснинг диний бағрикенгликка оид қарашларини таҳлил қилиш жоиз. Олим, ҳар қандай масалани жамоатчилик муҳокамаси орқали ҳал этилгани ижобий самара берганидек, фуқароларнинг диний хоҳиш-истаклари ҳам тенг ҳуқуқли субъектлар, фуқаролик жамияти институларининг ўзаро келишуви асосида олиб борилишини ижобий ҳодиса сифатида таъкидлайди. "Хабермас бағрикенгликни тенг ҳуқуқли субъектлар, фуқаролик, демократик жамият вакилларининг нисбати мавжуд бўлганда юзага келадиган ҳодиса сифатида тушунади".[9]

"Фақат шу ҳолатда бағрикенглик таърифи тўғри бўлади. Олимнинг фикрича, тенг бўлмаган имкониятларга эга бўлган одамлар ўзаро таъсир қилиш жараёнига кирса, бу муносабатлар, эҳтимол, бир томондан мажбурлаш, камситиш ва иккинчи томондан бўйсунишга асосланади. Бағрикенглик муносабатлари қоидаларини ўзаро тан олиш асосида, сизга маълум Гётени бағрикенгликни ҳақоратли индулгенция ва хайрихоҳлик сифатида рад этишга ундаган хаёлий парадокс ҳам ҳал этилиши мумкин".[10]

Хабермаснинг юқоридаги фикрларини россиялик олима Л.Баева қуйидагича талқин қилади: "...демократик жамият фуқаролари бир-бирига диний эркинликни таъминлаган давлатдагина виждон эркинлиги муаммоларини адолатли ҳал қилиш мумкин. Хабермас учун бу айниқса муҳимдир, чунки у бағрикенглик масаласини кўриб чиқиб, биринчи навбатда ушбу муаммонинг диний талқинидан келиб чиқади. "Диний бағрикенглик нафақат тарихий асосларга эга балки, бошқа эътиқодли одамларга холис муносабат сифатида кенгайиб, ҳақиқий бағрикенгликка айланди". [11]

"Диний бағрикенглик" ғоясини тўлақонли тадқиқ этиш бошқа дунёвий динларда мазкур масалани ўрганилиш тарихини билиш эҳтиёжини пайдо қилади. Буддизм дини дунёда энг кўп тарқалган учта диннинг бири бўлиб, мазкур дин манбаларида бағрикенглик масаласи асосий эътибор қаратилган мавзулардандир. "Буддизм ва жайнизм каби мактаблар маърифат йўллари кўплиги тамойилига асосланади, бу эса таълимотнинг ўзида бидъатда айблаш ёки бошқа диний ва фалсафий анъаналарни ёлғонликда айблаш имкониятини истисно қилади. Диний бағрикенглиги туфайли жаҳон динига айланган буддизм бу таълимотни қабул қилган киши мусулмон ёки насроний бўлиб қолишига ҳам қарши эмас. Бу ҳолатда асосий нарса "Тўртлик" ни тан олишдир эзгу ҳақиқатлар" ва "саккиз карра эзгу йўл"га риоя қилиш". [12]

Буддистлар бағрикенглик ғоясини бошқа дин вакилларидан фарқли ўлароқ кенгроқ тушунишади. Яъни, бағрикенглик фақат инсонлар ўртасидаги ижобий муносабат эмас, балки барча тирик мавжудотларга нисбатан амал қилувчи тушунчадир. Улар бағрикенглик ҳақида гапирганда уни инсонлар, ҳайвонот, ўсимлик дунёсининг бир-бирига зиён етказмасдан яшашини назарда тутишади.

“Ҳинд маданияти вакиллари учун маърифат сари ҳаракат барча тирик мавжудотлар кўзга кўринмас руҳий боғлиқлик билан боғланганлигини англашдан бошланади, шунинг учун бошқа одамларнинг дарди, бировнинг изтироблари, бировнинг ҳақиқати йўқ, бошқача айтганда ҳаммаси умумий. Барча тирик мавжудотларнинг маънавий бирлиги ғояси раҳм-шафқат (каруна) ва бошқа фикрларга ҳурмат маданиятини шакллантиради. Сабр-тоқат ва бағрикенглик Веданта, Буддизм ва Жайнизмда асосий фазилатлар ҳисобланади. Шу билан бирга, ҳар бир мактабда бу тамойилларнинг ўзига хос асослари мавжуд”.

Қизиқ томони шундаки, Буддизмда бағрикенглик тушунчаси руҳни инкор этиш билан боғланади. Мазкур дин руҳнинг ягоналигини инкор қилиш билан бир вақтда, ҳаётда руҳий ҳолатларнинг яхлит умумий оқимини инкор этмайди. Айтилишича, ҳаётда ҳамма ҳодисалар аниқ қонуният асосида муайян кетма-кетликда рўй беради ва руҳ мазкур жараёнда иштирок этмайди. Диний манбаларда келтирилишича, мутлоқ руҳни эътироф этмаслик ҳаётда барча жонли мавжудотларнинг тенг ва қадрли эканлигига ишора сифатида кўриш мумкин.

Яна бир йирик ҳинд диний-фалсафий мактаби Жайнизм бўлиб, мазкур таълимот ўзининг барча йўналишларида диний бағрикенгликни қўллаб-қувватлайди ва тарғиб қилади. Жайнизм таълимотининг ўзига хослиги шундаки, диний бағрикенглик ғояларининг асосида барча жонли мавжудотларга ҳурмат ва эҳтиром ётади. Бу ерда инсон томонидан ўсимлик ва ҳайвонларга зиён етказмаслик асосий қадриятдир.

“Жайнизмдан фарқли ўлароқ, қадимги Хитой диний тафаккурида "Ҳар қандай шаклда ва ривожланишнинг ҳар қандай босқичида ҳаётни ҳурмат қилиш" ҳар бир инсон хатти-ҳаракатларининг асосий мезонига сифатида қаралади. “Тао”нинг диний ва фалсафий таълимоти, Хитойнинг бошқа назариялари сингари, аниқ амалий йўналиши билан ажралиб туради. Инсонлараро ўзаро уйғунлик йўлидан бориш узоқ умр кўришга ёрдам беради, бу кўплаб руҳий ва жисмоний амалиётларнинг энг юқори мақсадидир. Аммо бошқаларда бўлса диний тизимлар бу руҳнинг ўлмаслиги ҳақида, кейин даоизмда вазифа тана ўлмаслигидир масалан, Таоизмда бағрикенглик ғояси сўзсиз қадрият ва яхшилик сифатида қараладиган Ҳиндистонга қараганда бутунлай бошқача муносабатни белгилайди”. [13]

Милодий VI асрда охирида вужудга келган ислом дини яккахудоликни тарғиб қилган дунёвий динларнинг охиргисидир. Барча динларда бўлгани каби исломда ҳам инсоний қадриятлар устуворлиги, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби ғоялар асосий ўринни эгаллайди.

Ислом дини Аллоҳнинг олий қадриятини ва унинг бошқа барча мумкин бўлган қадриятлар билан мутлақ тенглигини таъкидлайди. Инсон ва Аллоҳ яратган олам ҳар нарсада Аллоҳга, тақдирга боғлиқ, лекин инсониятнинг бир-бирига, қолаверса бирча тирик мавжудотларга бағрикенг муносабатда бўлиш ғоясини илгари суради. Дунё, инсон ва Аллоҳ ўртасидаги бўшлиқ чексиздир ва уни бартараф этиб бўлмайди. Аллоҳ таолонинг асосий сифатлари – қудрат, боқийлик, дунё сирларини мутлақ билиш, ҳамма нарсага меҳр-муҳаббат назари билан қарашни асосий тушунча сифатида эътироф этади.

“Ислом дини инсониятнинг асл бирлигига урғу беради, кейинчалик ширк ва сохта худоларга эътиқод қилган баъзи халқларнинг адашиши ва жоҳиллиги туфайли парчаланиб кетди. Исломнинг бу позицияси эса ҳар бир инсонга нисбатан толерантлик муносабатидан далолат беради. Бироқ, ноҳақ эътиқод шундай қаттиқ жазога лойиқки, бу салоҳият фақат Аллоҳнинг изнидадир”.

Қуйидаги монографияда келтирилишича, “Ғарбий Рим империяси парчаланганидан сўнг ғарб сиёсий маданиятининг шаклланиши ва Европанинг бағрикенглик ғоялари католик дунёсининг ажралмас қисми сифатида шаклланди. Черков умумий норматив-қадриятлар тизимини, ягона ижтимоий маконни шакллантирди. Шу маънода, илк Рим католиклиги "Европа цивилизациясининг ўқ илдизи бўлиб чиқди. Қадимги дунёни тарк этганидан кейин янгиланган Европадаги черков нафақат маънавий тарбия манбаи, балки сиёсий қурилманинг раҳбарига ҳам айланди. Бу Европанинг барча давлатларини бир тизимга боғлаган феодал бошқарувнинг биринчи бўғини эди”. [14]

“1648-йилда протестантлар ва католиклар ўртасида тузилган Вестфалия сулҳи Тоинбек тўғри таъкидлаганидек, “дин иккига бўлинган ва протестантлар ҳамда католиклар ўртасида

ноаниқ ва мақсадсиз муҳорабага айланган уларни бир-бирини ўлдиришга мажбурлаган, деган хулосанинг рамзи ва сиёсий ифодаси эди. Йиллик уруш уларнинг маданий меросининг аҳамиятсиз қисмига айланиб борарди. Нега диннинг ўзини йўқ қилиш орқали диний урушларни йўқ қилишга жимгина рози бўлмаслик ва табиий фанларни амалий ишларда қўллашга эътибор қаратиш керак эмас?”.[15] Гап шундаки, энди олимлар динлараро ва диний оқимлар ўртасидаги қонли тўқнашувларга сабаб бўлаётган зиддиятларни бартараф этиш мақсадида диндан воз кечиш талабини ҳам қўя бошлашган.

Қуйидаги манбада муаллифлар Вестфалия сулҳи натижаларига тўхталиб ўтишган “Вестфалия келишувининг самарадорлиги шундаки, у бағрикенгликнинг икки маъносини бир-бирига аралаштириб юборди: булар бефарқлик ва манфаатдорлик. Биринчи маъно бошқалар билан бирга баҳамжиҳат яшашга асосланади, чунки мен бошқанинг ўлчов нормаларига бефарқман. Аммо бундай бефарқлик фақат ўз меъёрларим ва қадриятларимга шубҳа қилганимда, уларни мажбурий деб ҳисобламаганимда ва ўзимни улардан узоқлаштирганимда мумкин. Иккинчи маъно менинг ўз меъёрларим ва қадриятларимга содиқлигимни, шунингдек, уларни бойитилган ва чуқур тушуниш бошқанинг маънавий, сиёсий ва бошқа тажрибасини тушуниш, ҳисобга олиш ва ўзига хослиги фарқ қилишда фойдаланишни англатади”. [16]

Юқоридаги баҳс-мунозаралардан кўриниб турибдики, европада либерализм ғояларининг кучайиши ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, шу жумладан биз тадқиқот олиб бораётган диний бағрикенглик масаласида ҳам янги ғоялар, қарашларни сиёсий саҳнага олиб чиқди. Айтиш керакки, янги сиёсий ғоялар европада икки йирик оқимнинг (католик ва протестант) сиёсий нуқтаи назардан бир-бири билан консенсусга эришувида муҳим қадам бўлди. Бу эса биргаликда тинч-тотув яшаш умуминсонийлик принциплар ҳамма нарсадан устун эканлигини англатувчи ижтимоий-сиёсий ҳодиса эди.

Минтақамизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик ғояларининг пайдо бўлиши қадим тарихга бориб тақалади. Хусусан, Зардуштийликда диний бағрикенглик ғоялари мавжудлигини Марказий Осиё ва Зардушт таълимоти тарқалган қўшни ҳудудлар тарихига назар ташласак яққол кўрамиз. Маълумки, ҳар бир пайғамбар инсониятга маълум бир миссия билан жўнатилади. Пайғамбар Зардушт инсониятга эзгулик миссияси билан келди. Зардуштийликнинг “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” ғояси диний бағрикенглик ва инсонпарварликка, бунёдкорлик ва тинч-тотув яшашга чорловчи муқаддас даъват бўлиб, аждодларимиз руҳига сингди, турмуш тарзига, эътиқодига айланди, Шуниси эътиборлики, мустақиллик даврига келиб айнан Ўзбекистонда, Зардуштийлик дини пайдо бўлган қадим диёрда бу таълимотни ўрганиш бўйича катта ютуқлар қўлга киритилди, Зардуштийлик яккахудоликка асосланган илоҳий таълимот сифатида барча инсонларни эзгулик, яхшилик, маънавий баркамоллик, ҳурфикрлик, инсонпарварлик, поклик ва комилликка давъат этганлиги ҳақидаги илмий қарашлар янада ривожлантирилди. Зардуштийлик таълимоти халқимиз маънавиятининг тарихий асослари нақадар қадимий эканлигининг яққол исботидир. Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг «Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида Зардуштийлик таълимоти ва унинг муқаддас китоби “Авесто” ҳақида қуйидагича фикрлар билдириб ўтган: “Отабоболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларини ифода этадиган бу каби тарихий ёдгорликлар орасида бундан қарийб уч минг йил муқаддам Хоразм воҳаси ҳудудида яратилган, “Авесто” деб аталган бебаҳо маънавий обида алоҳида ўрин тутади”.[17] Аждодларимизнинг қадимий китоби “Авесто”да халқимизнинг ўша даврдаги маънавияти, маданияти, урф-одат ва қадриятлари ёритиб берилган. “Авесто” зардуштийликнинг асосий китоби бўлгани сабабли унда бу диннинг асосий ақидалари ҳам ўз аксини топган. Бу муқаддас китобда эзгулик, яхшилик, маънавий баркамоллик, ҳурфикрлик, инсонпарварлик каби хислатлар Аҳурамазда қиёфаси орқали кўрсатилган. ““Авесто”нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал” деган тамойилни оладиган бўлсак, унда ҳозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини кўриш мумкин. Ана шундай фикрлар, яъни эзгу ният, сўз ва иш бирлигини жамият ҳаётининг устувор ғояси сифатида талқин этиш бизнинг бугунги маънавий идеалларимиз билан нақадар узвий боғлиқ,

нечоғлиқ мустаҳкам ҳаётий асосга эга экани, айниқса, эътиборлидир”.[18] Халқаро илмий ҳамжамият ҳам зардуштийликнинг муқаддас китоби “Авесто”ни дунё цивилизациясининг ривожида, инсониятнинг руҳий олами, эътиқоди ва маънавияти тарихида муҳим ўрин тутган қомусий манба сифатида эътироф этди. ЮНЕСКОнинг 1999 йил ноябрь ойида Парижда бўлиб ўтган 30 сессияси “Авесто”нинг 2700 йиллигини кенг нишонлаш ҳақида қарор қабул қилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2000 йил 29 мартда “Авесто”нинг 2700 йилигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ҳақида” Қарор қабул қилди. Бу Қарор асосида Хоразмнинг маъмурий маркази Урганч шаҳрида, Шовот канали соҳилида “Авесто”га бағишланган мажмуа бунёд этилди. “Авесто” боғи номини олган бу мажмуада “Авесто”га аталган маҳобатли ёдгорлик”[19] ва музей барпо этилди.

2001 йил 3 ноябрда Урганчда “Авесто” китобининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди ва бунёд этилган ёдгорлик мажмуи очилди. Бу ёдгорлик бугунги кунда юртимизга ташриф буюрадиган хорижлик меҳмонлар ва туристлар бориб кўрадиган маданий ёдгорликлар рўйхатига киритилган. Исломгача минтақамиз ҳудудида Зардуштийлик таълимоти билан бирга бошқа кўплаб таълимотлар ҳам тарқалганлиги маълум. Улар ичида Жанубий Ўзбекистон ҳудудида кенг тарқалган ва кушонлар даврида давлат дини даражасига кўтарилган буддавийлик таълимоти, илк ўрта асрларда, эфталийлар ва турк ҳоқонлиги даврида зардуштийлик билан бирга чорвадор туркларнинг Кўк Тангри билан боғлиқ эътиқодлари, христианликнинг несториан оқими ҳамда монийлик ва маздакийлик таълимотларини қайд этиш мумкин. Тарихий манбаларда бу таълимотлар тарафдорлари ўртасида айнан диний эътиқод масаласида қирғинбарот урушлар ёки узоқ муддатли ижтимоий зиддиятлар бўлганлиги ҳақида маълумотлар йўқ. Бу ҳам Марказий Осиё минтақаси тарихнинг қадим даврларидан бошлаб бағрикенг ва танти, диний ва дунёвий билимларни чуқур эгаллаган қавмларга ватан бўлганлигини яққол исботлайди. Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Ўрта Осиёда ислом динининг тарқалиши ва етакчи мавқега эга бўлиши катта қийинчилик билан амалга ошди. Бу ҳақда Ўрта Осиёда арабларга қарши кўтарилган кўплаб қўзғолонлар (Гўрак ва Деваштич бошчилигида, Муқанна раҳбарлигида ва бошқа қўзғолонлар) ҳам гувоҳлик беради. Бу Уммавийлар давридаёқ Ўрта Осиёда асосий дин сифатида эълон қилинган ислом динининг маҳаллий халқлар томонидан қабул қилиниши жараёни узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтганлигини кўрсатади.

Фақатгина X асрга келиб ислом дини Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётида мустаҳкам ўрин ола бошлади ва анъанавий эътиқодларни, эски диний таълимотларни (зардуштийлик, буддавийлик, монийлик ва бошқалар) сиқиб чиқара бошлади. Шу билан бирга, ислом дини етакчи мавқега эга бўлгандан кейин, бошқа динлар тарафдорларига кутилганидан ҳам кўра кўпроқ бағрикенглик кўрсатганлиги тарихий ҳақиқатдир. Буни биз мусулмон дунёсининг шарқий чеккасида бўлган Мовароуннаҳр ва Хоразмда ҳам кўрамиз. Агар исломгача бўлган даврларда бу ҳудудда будда ибодатхоналари, зардуштийларнинг муқаддас олов сақланадиган ибодатхоналари, христиан черковлари ёнма-ён қурилганлигини кўрган бўлсак, IX-XII асрларда ҳам бу минтақада ҳайратда қоларли диний бағрикенгликнинг гувоҳи бўламиз. Манбаларнинг далолат беришича, Бухорода X асрда ҳам зардуштийларнинг кўп сонли жамоалари сақланиб қолган бўлиб, Ромитан ва Бухоро атрофидаги бошқа қишлоқларда уларнинг ибодатхоналари мавжуд бўлган. Самарқандда XI аср бошларигача монийлик таълимоти тарафдорларининг фаолияти ва ибодатхоналари сақланиб келди.

Бухородаги Мох масжиди ёнида ўз маъбудалари тасвирини, ҳайкалларини сотиб юрган христианлар, яҳудийлар ва бошқа динлар тарафдорлари ҳақидаги маълумотлар араб сайёҳлари асарларида ўз аксини топган. Аббосийлар ҳукмронлиги даврида ислом дунёсида энг кўп ҳимоя қилинадиган дин вакиллари христианлар ва яҳудийлар бўлиб, ўша давр қонунларига кўра, улар мусулмонлар билан деярли бир хил ҳуқуқларга эга бўлишган. Христиан ёки яҳудийни ўлдирган жиноятчига мусулмон бўлган кишини ўлдирганларга бериладиган жазо қўлланилиши ҳам ўрта аср мусулмон давлатлари учун одатий ҳодиса эди.

Кўпгина христианлар ва яҳудийлар банкирлик, судхўрлик, халқаро савдо, тиббиёт ва бошқа соҳалар билан шуғулланиб, ўз даврининг бой ва машҳур кишилари бўлишган. Кўпгина

мусулмон мамлакатларида, ҳатто, муҳим давлат амалларини қўлга киритган христианлар ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд. Ислом динида диний бағрикенглик масаласини биринчилардан бўлиб швейцариялик шарқшунос олим Адам Мец ўзининг 1922 йилда чоп этилган “Мусулмон уйғониш даври” китобида ишончли кўрсатиб берди. “Ёт динларга эътиқод қилувчи кўплаб жамоаларнинг мавжудлиги, – деб ёзган эди А. Мец, – мусулмонлар салтанатини бутунлай христиан ақидапарастлари таъсирида бўлган Европадан ажратиб туради”[20]. Бошқа диндагилар, гарчи уларнинг яшаш жойини танлаш ҳуқуқи чекланмаган бўлса-да, одатда, алоҳида маҳаллаларда яшашган. Аббосийлар даврида халифаликнинг барча христиан аҳолиси бошида Бағдодда доимий қароргоҳи бўлган несториан католик черкови турган. Халифа ёрлиғи билан унга шарқий христиан черкови ҳам бўйсунган. Халифаликнинг кўп сонли яҳудийлар жамоасини бошқариб турган “Реш ғалута” ҳам Бағдодда жойлашган эди.

Мусулмон давлати кўрсатган ҳомийлик учун ўзга диндагилар жизья – жон солиғи тўлаб туришган. Бутун ислом дунёсида бошқа дин вакиллари ўз диний байрамларини эркин нишонлаши мусулмонлар томонидан душманлик кайфиятини уйғотмаган. Гарчи, тарихий йилномаларда мусулмонлар томонидан черков ва синагогларнинг вайрон этилгани, ёқиб юборилгани ҳақида маълумотлар учраса-да, лекин бундай ҳодисалар унчалик кўп бўлмаган ва ҳокимият томонидан қаттиқ таъқиб қилинган. Кўпгина мусулмон мамлакатларида бошқа дин вакилларига маълум рангдаги кийим кийишнинг шартлиги, шаҳарда от билан юришнинг тақиқланиши, уй ва ибодатхоналарини масжидлардан баланд қилиб қурмаслик каби тақиқлар ҳам бўлган. Аммо бу тақиқлар улар эга бўлган ҳуқуқлар олдида арзимаган нарса эди.

Юқоридагилардан хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, салиб юришлари даврида Европада пайдо бўлган, кейинчалик, Усмонийлар салтанати билан кўп асрлик урушлар даврида кенг тарқалган ислом ақидапарастлиги ҳақидаги бўрттириб кўрсатилган қарашларга зид ўлароқ, ўрта асрларда мусулмон мамлакатларида диний толерантлик – бағрикенглик яққол кўзга ташланади. Бу инкивизиция тўлиқ ҳукмронлик қилган ва ҳар қандай ёт ғоялар, таълимотлар кескин таъқиб қилинган ўрта аср Европасидан IX – XV асрлардаги ислом давлатларини ажратиб турадиган асосий белгилардан биридир. Ислом таълимоти диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка чорловчи, илм ва бунёдкорликка давъат этувчи таълимот эканлигини тарғиб этиш бугунги давр учун ўта муҳим ва долзарб масалалардан бирига айланмоқда. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёв 2017 йил 19 сентябрда БМТнинг 72-сессиясида сўзлаган маърузасида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, “Жаҳон жамоатчилигига ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа” сифатида қайд қилиб ўтганлиги муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Зеро, бугунги кунда ислом ақидапарастлиги ва уни келтириб чиқараётган сабабларни ўрганиш, диний экстремизм ва фундаментализмнинг вайронкор қиёфасини фош этиш барча мамлакатлар ҳукуматлари, зиёлилар, таълим даргоҳлари олдидаги муқаддас бурчдир. Бу вазифани бажаришда, диний бағрикенглик ғояларини ёш авлод онгига сингдиришда тарихий хотира, аждодларимиз қолдирган маънавий мерос муҳим аҳамиятга эга. Муқаддас “Авесто” китобида бу дунё эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш асосида барпо этилганлиги ва барча эътиқодли қавмлар эзгулик тарафида туриб ёвузликка қарши курашиши кераклиги уқтирилади. Шундагина жамиятда миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик қарор топади, Ватан равнақи, юрт тинчлиги ва турмуш фаровонлигига эришамиз.

Шуни айтиш керакки, “диний бағрикенглик” ғоясини алоҳида ўрганиш XVIII асрнинг иккинчи ярмига бориб тақалади. Ушбу даврда биз номлари ва илмий изланишлар ҳақида юқорида ҳикоя қилган француз, немис, инглиз маърифатпарварларининг “Замонавий диний бағрикенглик концепцияси”да асосий эътибор қаратилган ғояларнинг умумий мазмуни қуйидагилардан иборат бўлди:

- асрлар давомида маънавий эркинликнинг йўқлиги ёки чекланганлиги инсониятда янги ғояларни яратиш эҳтиёжини пайдо қилди. "Диний бағрикенглик " ғояси ушбу эҳтиёжнинг ёрқин маҳсулидир;
- Ақлни эътиқодга эмас балки, эътиқодни ақл тарозисида ўлчаш, ўз дини аҳкомларини устувор деб билиш баробарида бошқаларнинг диний қарашларини эътироф этиш, бир

жамиятда турли дин ва конфессияларнинг мавжуд бўлишини нормал ҳодиса сифатида қараш диний толерантликнинг консенсус асосида қурилган эквивалентидир;

- Замонавий концепциянинг асосий ютуғи шунда бўлдики, энди бағрикенглик ҳар бир инсоннинг ўз эътиқодини эркин танлаш ва ифода этиш ҳуқуқини тан олинишида акс этди;
- Ҳар қандай фикр ёки ғоянинг амалиётда қўлланилиши муайян даражада қарама-қаршиликларга учрайди. Консерватив жамиятлар янги либерал ғояларни осонлик билан қабул қилмаган. Бу эса либерал ғояларни янгилик сифатида олиб кирган мутафаккирларнинг ўз даврида етарли таҳдидларга дучор бўлганлигини асослайди;
- Плюрализм тараққиётнинг асосий мезонларидан биридир. Шу жиҳатдан диний бағрикенглик ғояси янги давр замонавий концепцияси сифатида янги демократик қадриятни инсониятга тақдим этди.

XX-асрга келиб диний бағрикенгликни эътироф этиш ёки инкор қилишнинг янги механизмлари яратилди. Диндан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш имкониятларини юқори баҳолаган айрим кучлар динни ўзларининг турли мақсадларига мослаштириш технологияларини ишлаб чиқишди. Бу тенденция барча динларда ва асосан ислом динида ўз аксини топди ва топмоқда. Ҳозирги даврда бундай технологияларнинг янги кўринишлари яратилган ва яратилмоқда. Шундай экан, глобаллашиб бораётган замонавий дунёда динлараро, муносабатларнинг янги, диний бағрикенгликнинг барча тамойилларига мос келадиган тизимини яратишга эҳтиёж етарлича мавжуд. Бу эса диний конфессия вакилларидан, халқаро ташкилотлардан, ўз келажагига бефарқ бўлмаган барча ижтимоий-сиёсий субъектлардан фаол ҳаракат талаб қилади. Акс ҳолда мафкуравий низолар, диний муросасизлик каби ҳолатлар кундалик ҳаётда камаймайди.

Iqtiboslar/Сноски/References

1. https://kubsau.ru › upload › iblock .
2. Ўша манба.
3. Баева, Л.В. Толерантность: идея, образы, персоналии [Текст] : монография / Л.В. Баева. - Астрахань: Издательский дом «Астраханский университет», 2009. - 217 с.8
4. Баева, Л.В. Толерантность: идея, образы, персоналии [Текст] : монография / Л.В. Баева. - Астрахань: Издательский дом «Астраханский университет», 2009. - 217 с.8
5. Ўша манба.
6. https://ru.wikipedia.org/wiki.
7. https://ru.wikipedia.org/wiki.
8. Кант И. Собрание сочинений: В 8 т. Т. 6. М., 1994. С. 242–243.
9. Хабермас Ю. Когда мы должны быть толерантными? О конкуренции видений мира, ценностей и теорий // Социс. 2006. № 1. С. 45–53.
10. Ўша жойда.
11. Баева, Л.В. Толерантность: идея, образы, персоналии [Текст] : монография / Л.В. Баева. - Астрахань: Издательский дом «Астраханский университет», 2009. - 217 с. С.32.
12. Ўша жойда.
13. Чаттерджи С., Датта Д. Индийская философия. М., 1994. с. 111.
14. Barberini G. La politique europeene desinstitution religieses et ecclesiastique // XII-me Congres Mondial de L'AJSP. Rio de Janerio, 1982. P. 1.
15. Toynbec A. Civilization on Trial and the World and the West. Cleveland and New York, 1963. P. 82.
16. https://kubsau.ru › upload › iblock
17. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент – 2008. Б-26
18. Ўша асар.
19. Сагдуллаев А., Ртвеладзе Э. В стране золотого огня. – Т.: Узбекистан, 1983. – С. 77- 83
20. Мец А. Мусульманский Ренессанс. М.: Наука, Восточная литература, 1973. — 473 стр. С-72

ISSN 2181-9556

Doi Journal 10.26739/2181-9556

ИЖТИМОИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

1 МАХСУС СОН

ЖУРНАЛ СОЦИАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ НОМЕР 1

JOURNAL OF SOCIAL STUDIES

SPECIAL ISSUE 1

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000